

Дониёр МУРАТОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти в.б., тарих фанлари номзоди

ҲАДИСЛАРНИ ТЎҒРИ ТУШУНИШ УЧУН ЗАРУР ОМИЛЛАР

Мутақаддим уламолар ҳадисларни тўғри тушунганлар ва ҳадислардан келиб чиқадиган хулосаларни оддий халқ оммасига ўз сўзлари билан чиройли тарзда ёритиб берганлар. Бироқ вақт ўтиши билан мусулмонлар орасида ҳадисларни нотўғри тушуниш бошланди. Баъзилар биз салаф уламоларга эргашиб, тўғридан-тўғри ҳадислардан ҳукм олишимиз лозим, мазҳабларга тақлид қилиш шарт эмас, деган ғояларни одамлар орасида тарқатишлари бунга сабаб бўлган.

Бундай ғояларни тарқалиши натижасида уламолар ҳадис илмига оид янгича тадқиқотларни амалга оширдилар. Жумладан, мисрлик олим Муҳаммад Ғаззолий (ваф. 1996 й.), шайх Юсуф Қарзовий, шайх Муҳаммад Аввома, Муҳаммад Такий Усманий ва бошқа бир қатор олимлар ҳадисларни тўғри тушуниш, ҳадиснинг фикҳ билан боғлиқ ҳамда фарқли жиҳатларини, мазҳабга тақлид қилиш масалаларини тушунтириш мақсадида китоблар таълиф этганлар.

Мазкур мақолага шайх Юсуф Қарзовийнинг «Кайфа натаамалу маа ас-сунна ан-Набавийя» ва шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳадис ва ҳаёт» асарлари асос қилиб олинди. Бу китобда ҳар бир киши ўзи ҳадисни тўғри тушуна олмаслиги мисоллар билан ёритилган.

Ҳадисларни яхши тушуниш учун зарур омиллар ҳадисга оид манбаларда: «Пайғамбар суннатларини яхши тушуниш шартлари» деб аталади. Ҳадислар ҳам Қуръони карим каби

ўзига хос тил, услубга эга. Шунинг учун ҳадислар маъно-мазмунини тушунишда маълум қўникмаларга эга бўлиш керак, акс ҳолда уларни нотўғри тушуниш мумкин. Замонавий ҳадисга оид адабиётларда ҳадисларни тушунишда керак бўладиган қуйидаги бир нечта омиллар санаб ўтилади:

1. Араб тилини яхши билиш.
2. Ҳадисларни Қуръонга мувофиқ ўрганиш.
3. Бир мазмундаги ҳадисларни қиёсий ўрганиш.
4. Ҳадисларнинг сабаб ва мақсадларини чуқур тушуниб етиш.
5. Ҳадиснинг аниқ мақсадини англаш воситаларини ажрата билиш.
6. Ҳадислардаги мажоз ва ҳақиқатни ажрата билиш.
7. Ғойиб ва ҳозирни ажрата билиш.
8. Кўринишидан бир-бирига зид бўлган ҳадисларнинг моҳиятини тушуна олиш.

Қуйида қисқача қилиб уларнинг баёни келтирилади.

1. Араб тилини яхши билиш, ҳадис илми билан шуғулланаётган киши учун зарурий бўлган илмлардан бири. Бу ҳадисларни тўғри тушунишга ёрдам беради. Муҳаддис араб тили грамматикасини тўлиқ билган ҳолда, унга тегишли бўлган балоғат ва фасоҳат илмларини ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим. Пайғамбар (с.а.в.) қурайш қабиласидан эканини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу

лаҳжанинг бошқа араб қабилалариникидан фарқли жиҳатлари бор эди. У марказий шаҳарлардан бири Маккага хос бўлгани учун анча мукамал ва фасиҳ (адабий) ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан Пайғамбар (с.а.в.)га бу нарса ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Шунингдек, балоғат ва фасоҳатли Қуръон ҳам у кишига илҳомланиш манбаи бўлган. Натижада Пайғамбар сўзлари Қуръондан кейин иккинчи асосий манба бўлиб ҳисобланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, кам сўзлардан ташкил топган ва кўп маънога эга ҳадисларни, улардан олинадиган шаръий ҳукм, панд-насиҳат ва ибратлардан иборат ҳадисларни тўлиқ тушуниш ва ўзлаштириш учун араб тили, унинг балоғат ва фасоҳатини мукамал ўрганиш лозим бўлади. Муҳаддисдан мазкур билимларни муайян даражада эгаллаш талаб этилган.

2. *Ҳадисларни Қуръонга мувофиқ ўрганиш*, яъни «Суннатни Қуръони карим зиёсида тушуниш» лозим. Бу ҳам ҳадисларни тўғри тушуниш учун керак бўлган омиллардан бири. Қуръон исломнинг асосий муқаддас манбаси ва унда бу диннинг асосий таълимот ва қоидалари берилган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадислари ҳам Қуръони карим таълимотига зид бўлиши мантиқан тўғри келмайди. Қуръони карим муҳкам оятларига, очиқ далилларига зид келувчи саҳиҳ, собит суннат мутлақо йўқ. Ҳадислар Қуръони каримнинг шарҳи, тафсилоти бўлгани учун ҳам уларни Қуръон таълимоти билан қиёслаб ўрганиш лозим бўлади.

Бироқ кейинчалик ҳадислар орасида Қуръони карим таълимотига мос келмайдиганлари кўпайиб кетди. Бу эса уларнинг турли кишилар томонидан тўқилган ва сохта эканини кўрсатади. Агар ҳадис Қуръони карим таълимотига зоҳиран мос келмаса, унда ҳадиснинг шарҳини, манбасини ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Масалан, “Улар билан маслаҳатлашинглар ва хилоф ҳам қилинглар” ҳадиси аёллар тўғрисида келган бўлиб, Қуръони каримнинг «Агар ота-она ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани сутдан) ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар» (Бақара, 233) оятига

хилоф бўлгани сабабли ботил ва тўқимадир.

3. Бир мазмундаги ҳадисларни қиёсий ўрганиш, яъни «Бир мавзуда келган ҳадисларни жамлаш». Ҳадиснинг маъноси яхши тушунилмаса, шу мавзудаги бошқа ҳадислар ўрганилиб, ўзаро қиёсланади. Натижада ҳадисларни тушуниш имконига эга бўлинади. Масалан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

Абу Амома Боҳилий (р.а.) омонча қараб туриб дедилар: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Мана шу қайси бир қавмнинг уйига кирса, албатта, Аллоҳ таоло ўша уйга хорликни киритади» деганларини эшитдим».

Зоҳиран бу ҳадисда деҳқончилик ишларидан қайтариш, унга тарғиб қилмаслик маъноси бордек кўринади. Натижада мусулмон киши деҳқончилик қуролиларини уйига киритмаслиги, зироат ишлари билан шуғулланмаслиги лозим, деган фикр келиб чиқади. Гўёки ислом деҳқончиликка қарши деган ҳулоса чиқишига сабаб бўлади. Аммо ислом таълимотига кўра, хусусан ҳадисларда деҳқончиликка, боғдорчиликка, умри охирига етган киши ҳам бир дона бўлса-да, дарахт экиб кетишига тарғиб этилади. Бунини кейинги келадиган ҳадисларда кўриш мумкин.

Масалан, Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): «Қайси бир мусулмон бир дарахт ёки экин экса-ю, ундан қуш, инсон ёки ҳайвон еса, албатта шу егани учун ўша кишига садақа бўлади», деганлар. Шунингдек, Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: «Мусулмон бир дарахт экса-ю, ундан инсонми, ҳайвонми, қушми еб турса, албатта унинг учун қиёмат кунигача садақа бўлиб туради», – дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Аҳмадлар Анас (р.а.)дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.): «Агар қиёмат қоим бўлаётганда сизлардан бирортангизнинг қўлида бир дона хурмо кўчати бўлса, қиёмат қоим бўлгунча уни экишга қодир бўлса, экиб қўйсин», деганлар. Имом Табарий қилган

ривоятда Аммора ибн Хузайма ибн Собит қуйидагиларни айтадилар: «Умар ибн Хаттобнинг отамга: «Ерингни экишга нима тўскинлик қилади?» деяётганини эшитдим. Отам: «Мен ўлай деб турган қари чолман» деди. У: «Сенга қасам билан айтаманки, албатта экасан» деди. Умар ибн Хаттоб отам билан бирга ўз қўли билан экин экаётганини кўрдим». Имом Аҳмад ривоятида Абу Дардо (р.а.): «У киши (Абу Дардо) Дамашқда кўчат экиб турсалар, олдиларидан ўтиб кетаётган бир одам: «Расулulloҳ (с.а.в.)нинг саҳобаси бўлиб туриб шу ишни қиласанми?» деди. У эса: «Сен шошма, мен Расулulloҳ (с.а.в.)нинг: «Ким бир дарахт экса-ю, ундан одамми ёки Аллоҳнинг махлуқларидан бирортасими еса, албатта шу туфайли ўша одамга садақа бўлади» деганларини эшитганман» деди.

Ислом тарихига назар ташласак, Пайғамбар (с.а.в.) бирор кишини деҳқончиликдан, омоч ишлатишдан қайтарганлари маълум эмас. Мадина аҳли боғдорчилик ва деҳқончилик билан бемалол шуғулланган. Ҳадис ва фикҳга оид китобларда ҳам деҳқончилик, зироатчилик ҳақида алоҳида боблар ажратилган ҳамда юқоридаги ҳадисларга қўшимча яна кўплаб ҳадисларни келтириш мумкин.

Демак, «омоч кирган уйга хорлик киради» маъносидаги ҳадисни қандай тушуниш керак? Муҳаддис уламолар бу саволга қониқарли жавоблар берганлар.

Имом Бухорий бу ҳадисни «Зироат асбоблари билан овора бўлиб қолиш ёки унга ҳаддан ташқари берилиш оқибатларидан огоҳлантириш» бобида келтирган экан. Бобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ҳадис орқали омочга ёпишиб олиб, бошқа нарсалар, хусусан Ватан ҳимоясига оид ишлардан бепарво бўлиш оқибатида душмандан енгилиб, хор бўлишдан огоҳлантирилган. Ёки илм олиш каби бошқа зарурий ишлар турганида деҳқончиликни баҳона қилиш ноўрин экани назарда тутилган.

Шунингдек, Имом Аҳмад ва Имом Абу Довудлар ривоят қилган ҳадисда: «... Зироатдан рози бўлиб, ... юраверсангиз,

Аллоҳ бошингизга хорликни келтиради...», дейилади. Яъни ҳаёт учун керак бўладиган ишларни тарк қилиш ножоиз экани назарда тутилган.

4. *Ҳадисларнинг сабаб ва мақсадларини чуқур тушуниб етиш*, яъни «ҳадисларни сабаб ва мақсадлари зиёсида тушуниш» лозим. Бу ҳам ҳадисларнинг маъносини тўғри англаш учун зарур бўлган омиллардан бири. Баъзи ҳадиси шарифларнинг айтилиш сабаби ва ўзига хос кўзланган мақсадлари бор. Баъзи ҳадисларда маълум бир шахсга, замонга, маконга, шарт-шароитга оид бўлган муаммолар айтиб ўтилган бўлади. Шу каби сабабларга кўра ҳадисларни тўғри тушуниш учун етарли илм, қунт, сабот, шаръий ҳукмларни тушуна олиш, ислом дини таълимотларини яхши ўзлаштирган бўлиш зарур. Бу эса ҳадиси шарифларда келган кўрсатмаларнинг умумий, хусусий, вақтинча, доимий, жузъий ва куллий (мутлақ) эканини яхши англаб олиш ва идрок қилишга ёрдам беради.

Саҳобаи киромлар ҳадисларнинг сабаблари ва мақсадларига қараб амал қилишда ҳаммага ўрнатилган бўлишган. Чунки улар Расулulloҳ билан бирга яшаганлар, улар орасида ҳадиси шарифларни нима учун, қандоқ, қай тарзда, нима мақсадда айтилганини биладиганлар кўп бўлганлар.

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида фитр садақаси ҳайит кунини бомдод намозидан кейин, ҳайит намозидан олдин чиқарилар, кўпроқ хурмо ва буғдойдан иборат бўлар эди. Чунки ўша пайтда Мадинадаги асосий овқат шулардан иборат эди. Мусулмонларнинг барчаси бир жойда яшар, бир-бирларини яхши танир эдилар. Бомдоддан кейин фақир-фуқароларни топиб, уларга фитр садақасини беришга улғуриш мумкин эди.

Саҳобаларнинг даврида ислом дини тарқалиб, мусулмонлар сони кўпайди. Шаҳар-қишлоқлар катталашди. Бомдод намози билан ҳайит намози орасида фитр садақасини тарқатиш мумкин бўлмай қолди. Шунда саҳобалар бу ҳолатни тўғри тушуниб, фитр садақасини ҳайитдан бир ёки икки кун олдин берадиган бўлишди.

Кейинроқ мусулмон ўлкалари янада кенгайганидан сўнг мазҳаббоши уламолар барча омилларни ҳисобга олиб, баъзилари фитр садақасини рамазон ойининг ярмидан, баъзилари эса аввалидан берса бўлади, деган фатво чиқардилар. Шунингдек, ҳар юртдаги кўп саналган таомдан ёки ўша таомнинг қийматини бериш ҳам мумкинлиги ҳақида фатволар чиқарилди. Демак, ҳадисларда Пайғамбар (с.а.в.) фитр садақасини бомдод билан ҳайит намози орасида, бугдой ва хурмодан беришни тайин қилганлари ҳақидаги ривоятга асосланиб ҳозирги вақтда ҳайитдан аввал ёки бугдой ва хурмодан бошқа нарсадан фитр садақаси бераётган кишиларни айблаш дуруст эмас.

Баъзан «одамлар ҳозирги кунда иссиқ сувда таҳорат қилмоқдалар, ҳолбуки Пайғамбаримиз совуқ сувда таҳорат олганлар», деб қишда ҳам совуқ сувда таҳорат қилиб, касал орттириб олиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Аммо бу ҳам ҳадиснинг сиртини ушлаб, жавҳарини, аслини тушунмасликнинг бир кўринишидир.

5. Ҳадиснинг аниқ мақсадини англаш воситаларини ажрата билиш, яъни «ҳадиснинг ўзгарувчи воситаси ва ўзгармас мақсади орасидаги фарқни тушуниш» ҳам ҳадисларни тўғри тушуниш учун зарур бўлган омиллардан бири ҳисобланади. **Ҳадисларни фаҳмлаб етиш, уларга амал қилишда хатога сабаб бўладиган жиҳатлардан бири ҳадисдан кўзланган мақсад қолиб, кўпроқ мақсадга эришиш йўлидаги воситага эътибор беришдан келиб чиқади.** Масалан, Имом Бухорий, Имом Насоийлар Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ: «Мисвок огизни тозаловчи ва Роббни рози қилувчидир», – деганлар. Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, ҳадисдан асосий мақсад огизни тоза тутишга қизиқтиришидир. Мисвок, деганда бута шохидан, кўпроқ «Арок» деб аталувчи дарахтдан олинган ёғоч тушунилади. Агар ҳадиснинг лафзига асосланадиган бўлсак, дунёдаги барча мусулмонларга Арок дарахти ёғочидан мисвок етказиб бериб туриш керак бўлади. Баъзи кишилар шундай тушунишади. Имом Абу Ҳанифа мазҳабларида огизни тозалаши мумкин бўлган ҳамма нарса билан, латта ёки панжа

билан мисвок қилса бўлаверади, дейилган. Демак, замон ўзгариши билан пайдо бўлган янги тиш тозалаш воситаларини ишлатиш ҳам айни муддаодир.

Тиб борасида ривоят қилинган ҳадиси шарифларнинг кўпида ва шунга ўхшаши нарсаларда ўша давр ва шароитларидан келиб чиқиб айтилган сўзлар кўплаб учрайди.

6. Ҳадислардаги мажоз ва ҳақиқатни ажрата билиш, яъни «Ҳадисни тушунишда ҳақиқат ва мажоз орасидаги фарқни билиш» шарт. **Ҳар бир тилнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ва мос киноя, қочирим, ўхшатиш каби нозик услублар ишлатилади.** Бундай услубларни оддий инсон бўлган пайғамбарлар ҳам ишлатганлар. Шу сабабли ҳам мажоз билан ҳақиқатни ажрата билиш лозим. Масалан, ҳадисларда «сочим тикка бўлди» ибораси келган. Бу ўринда мажоз ишлатилган бўлиб, ҳақиқатда ҳам шундай воқеа содир бўлганлиги тушунилмайди, балки ибора далолат қиладиган мазмун англашилади. Бу ўринда «ўта ғазабландим» каби маъно тушунилади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (с.а.в.) ўз аёлларига: «Менинг ортимдан энг тез етадиганингиз – қўли узунингиз», деганлар. Яъни бу – қўли узунингиз мендан кейин биринчи вафот этиб, у дунёда менга энг тез қўшиладиганингиз, деганлари. Ушбу ҳадисдаги мажозни, ҳатто Расулulloҳ аёлларининг ўзлари ҳам тўғри тушунмаганлар. Улар, бу шарафга қай биримиз ноил бўлар эканмиз, деб қўлларининг узунлигини ўлчаб кўрганлар. Сирни эса воқелик кашф этган. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кейин биринчи бўлиб Зайнаб бинт Жаҳш вафот этганлар. У зот (р.а.) ҳунарманд аёл бўлиб, қўл меҳнати билан топанларидан тез-тез садақа қилар эдилар. Ҳадисдаги қўлнинг узунлигидан мурод – садақани кўп қилиш экани вақт ўтиши билан маълум бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Имом Насоийлар Жаҳима (р.а.)дан қилган ривоятда ёрдамга муҳтож онасини қўйиб урушга чиқишга рухсат сўраб келган йигитга Пайғамбаримиз (с.а.в) «Сен У (она)ни лозим тут, жаннат унинг қадами остидадир», деганлар. Албатта, жаннат ўша

йигитнинг онаси қадами остида эмас. Балки, гап онасининг қадамини ўтиб бўлса ҳам хизматини қилиб, розилигини олган киши жаннатга сазовор бўлиши ҳақида кетмоқда.

Ҳадисдаги мажозни тушунмаслик оқибатини англатиш учун қуйидаги ҳодиса мисол қилиб келтирилади:

«Араб оламида кўзга кўринган бир қонунишunos «Саҳиҳи Бухорий» китобини сотиб олибди. Сўнг варақлаб «Нилу Фурот, Сайхун ва Жайхун ҳаммаси жаннат дарёларидир», деган ҳадисни ўқибди. Ҳайрон бўлибди. Мазкур дарёларнинг оқиб чиқадиган жойи маълум. Ҳаммаси ҳам жаннат эмас, оддий ердан оқиб чиқади. Бухорийнинг китобида ҳам бўлмаган нарсалар ёзилган экан, деб ундан юз ўгирибди.

Агар ўша қонунишunos бир оз камтарлик билан чуқурроқ фикрлаганида эди, Бухорийнинг шарҳларидан бирортасини ўқиб кўрар ёки бирор ҳақиқий олим кишидан сўрар эди. Ана шунда унга ҳадисдаги ҳақиқат ойдек равшан бўлар эди. Ваҳоланки, араб тилидаги мажоз ва ҳақиқат илмлари бўйича билимдон олим Имом Ибн Ҳазм мазкур ҳадис тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Саҳиҳ ҳадисларда келишича, Пайғамбар (с.а.в.): «Нилу Фурот ва Сайхуну Жайхун ҳаммаси жаннат дарёларидандир», ёки «Менинг уйим билан минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ (равза) бор», деганларида баъзи жоҳиллар гумон қилганидек, равза жаннатдан кесиб олинганини ёки мазкур дарёлар жаннатдан оқиб чиққанини билдирмайди. Расулulloҳнинг равзаи шарифлари жаннатдан бўлиши, ўша ернинг фазлига далолат қилади. Мазкур дарёлар эса баракали бўлгани учун жаннат дарёлари, деб номланганлар.

7. Ғойиб ва ҳозирни ажрата билиш, яъни «ғайб ва шоҳид орасини ажрата олиш» лозим. Бу ҳам ҳадисларни яхши тушуниш учун зарурий омиллардан бири. Қуръонда хабари келган ғайб олами, яъни жаннат, дўзах кабилар билан бу дунёдаги кўриниб турган нарсаларни ажрата билиш. Яъни жаннат тавсифланганда бу дунёдаги каби боғларга мутлақ ўхшатиб тасаввур қилиниши ҳам тўғри бўлмайди. Кўплаб оят ва ҳадисларда у жаннатларнинг ердаги

боғлардан ўзига хос фарқ ва афзалликлари борлиги ҳақида айтилган.

Кўпгина ҳадиси шарифларда ғайб олами ҳақида сўз юритилган. Булар биз яшаётган оламда кўзимизга кўринмайдиган, масалан, фаришталар, жинлар, шайтонлар, иблиснинг лашкарлари, Арш, Курси, Лавҳул Маҳфуз, жаннат, дўзах каби нарсалардир. Ғайб ҳақидаги ҳадислар асосан охират ҳаётига оид масалалардир. Бу каби масалалар имон шартларига киритилган бўлиб, мўмин киши уларни шарҳ ва далилларсиз қабул қилаверади. Бу каби ҳадисларни «ақл бовар қилмайди, шунинг учун қабул қилинмайди», дейилмайди.

Шунинг учун саҳиҳ ҳадисда келган бу каби маънодаги сўзларни ўзбошимчалик билан шарҳлагандан кўра, бу маънони мен тушуна олмаяпман, дейиш афзал. Ислom тарихида Қуръон ва ҳадисдаги баъзи ғайбий нарсаларни ўз ақллари билан ўлчаб хулоса ва ҳукм чиқаришга ҳаракат қилган гуруҳлар орасида низолар пайдо бўлган.

8. Кўринишидан бир-бирига зид бўлган ҳадисларнинг моҳиятини тушуна олиш, **яъни «Ихтилофли ҳадисларни ўзаро жамлаш ва кучлиларини ажрата билиш»** ҳам ҳадисларни тўғри тушуниш учун керак бўлган омиллардан бири. Аслида шариатнинг собит манбалари бир-бирига зид келмайди. Чунки ҳақ ҳаққа зид келмайди. Агар зиддият борлиги фараз қилинса, у зоҳирий зиддият бўлади, ҳақиқий бўлмайди. Шунинг учун улар бир-бирига зоҳирда қарама-қарши бўлиб кўринади. Ҳадисларни шарҳлаётган киши шу икки ҳадисни бир нуктада бирлаштириб хулоса чиқариши лозим бўлади. Бу ўринда киши ҳадис илмидаги муҳкам, ихтилоф, носих ва мансух каби илмларни ўрганган бўлиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳадислардан ҳукм олиш, уларни тўғри тушуниш учун бир қатор шартларни билиши талаб этилади. Ҳар бир киши ҳам ҳадисларни тўғри тушуниб етишга имкони йўқ. Шунинг учун ҳадисларни бирор етук олимнинг ҳузурда ўрганиши лозим. Шу билан бирга бирор мазҳабга эргашиб, ўша мазҳаб уламолари ҳадисларни шарҳлаганлари асосида тушуниш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда мусулмонлар орасида ихтилофлар пайдо бўлади.